



КАСДАН ОДАМ УЛДИРИШ ЖИНОЯТИНИНГ ОБЪЕКТИВ ТОМОНИ.

Хасоев Сирожиддин Хусниддин ўғли

Судьялар Олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий
мактаби Жиноят ҳуқуқи ихтисослиги тингловчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15287239>

ARTICLE INFO

Received: 18th April 2025

Accepted: 20th April 2025

Published: 26th April 2025

KEYWORDS

ABSTRACT

Ушбу мақолада касддан одам ўлдириш жиноятининг объектив томони таҳлил қилинади. Жиноятнинг объектив томони жиноий қонун билан ҳимоя қилинадиган ижтимоий муносабатларга хавfli тажовуз қилишдан иборат бўлиб, у ижтимоий хавfli ҳаракат ёки ҳаракатсизлик, унинг оқибати ва сабабий боғлиқлик каби элементларни ўз ичига олади.

Касддан одам ўлдириш жинояти ҳаракат йўли билан (масалан, жисмоний зўравонлик, қурол ёки воситалар орқали) ёки ҳаракатсизлик йўли билан (масалан, шахснинг ҳаётини сақлаш бўйича мажбуриятни бажармаслик) содир этилиши мумкин. Шунингдек, ушбу жиноятда ҳуқуққа хилофлик унга хос белгилардан бири ҳисобланади. Мақолада, шунингдек, касддан одам ўлдиришнинг жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлари, уни содир этиш усуллари ва сабабий боғлиқлик масалалари таҳлил қилинган. Жиноят таркибини аниқлашда ҳаракат ёки ҳаракатсизлик билан жабрланувчининг ўлими ўртасидаги сабабий боғлиқлик муҳим аҳамиятга эга. Таҳлил қилинган масалалар касддан одам ўлдириш жиноятини тўғри квалификация қилиш ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида унинг таркибий жиҳатларини аниқ белгилаш учун аҳамиятлидир.

***Уз ҳаракатларимдан ташқари, мен қонун учун мутлако мавжуд эмасман,
мутлако унинг объекти булмайман¹.***

Жиноятнинг объектив томони – бу жиноят қонуни билан курикланадиган ижтимоий муносабатларга ижтимоий хавfli тажовуз қилишдир. Шунингдек жиноятнинг объектив томони, жиноят субъектининг ижтимоий хавfli ҳаракат е ҳаракатсизлиги билан бошланадиган ва жиноят оқибатининг юз бериши билан тугалланадиган, воқеа ва ҳодисаларнинг бирин кетин ривожланишини курсатади. Бошқача қилиб айтганда, ижтимоий хавfli қилмишнинг ташқи томони бўлиб, жиноятнинг қандай содир этилишини курсатади.

Одам ўлдиришнинг объектив томони ҳуқуққа хилоф равишда бошқа шахсни ҳаётдан маҳрум қилишдан иборатдир.²

Касддан одам ўлдириш жинояти моддий таркибли жиноят булганлиги учун, унинг объектив томони уз ичига: ижтимоий хавfli ҳаракат еки ҳаракатсизликни, ижтимоий

¹ Ж.Авҳиа. Кур. адабиет. 39-бет.

² М.Х.Рустамбаев. Кур. адабиет. 15-бет.

хавфли ҳаракат (ҳаракатсизлик)нинг оқибатини ва ижтимоий хавфли қилмиш билан унинг оқибати уртасидаги сабабий боғланишни олади.

Ҳаётга қарши қаратилган жиноятлар, хусусан, қасддан одам улдириш жинояти ҳам фаол ҳаракатлар билан, ҳам ҳаракатсизлик йули билан содир этилиши мумкин. Қупинча одам улдириш, бошқа инсоннинг ҳаёти учун муҳим булган органларининг функцияларини ехуд анотомик бутунлигини бузулишига қаратилган ҳаракатлар билан содир этилади. Қасддан одам улдириш жиноятини содир этишда айбланувчи узининг мушак кучлари(қул билан бугиш, қул ва оёқлар билан зарбалар бериш, баландга кутариб ташлаш вхкз)ни ишлатади еки бунинг учун қандайдир қурол еки воситалар(пичок, болта еки гишт билан улдириш, туппончадан отиш)дан фойдаланади. Амалиётда қасддан одам улдириш жинояти аксарият ҳолларда жисмоний таъсир этиш орқали содир этилиши кузатилади. Бирок, баъзи ҳолларда бошқа шахснинг улими рухий таъсир этиш йули билан ҳам келтириб чиқарилиши мумкин. Агар шахс, бошқа шахснинг юрак е юрак қонтомири тизимининг касаллигини билган ва уни улдириш мақсади билан, улимни келтириб чиқариши мумкин булган, рухий жароҳат (травма) берса, унда бундай жиноий ҳаракатлар қасддан одам улдириш сифатида қурилиши лозим.³ Рухий таъсир этиш бошқа қуринишларда ҳам намоён булиши мумкин. Масалан: узини узи улдириш даражасига етказишда айбланувчи инсонни ҳаётдан маҳрум этишга бевосита қандайдир кучларни сарфламайди, бирок, жабирланувчига шундай йусинда таъсир этадики, натижада жабирланувчи узини узи ҳаётдан маҳрум этади.

«Одам улдириш учун содир этиладиган ҳаракатлар, албатта ҳуқуққа ҳилоф булиши лозим»⁴ - деб езган эди М.Х.Рустамбаев. Дарҳақиқат, одам улдириш жинояти гайриҳуқуқий белгиларсиз содир этилса, мазкур жиноятнинг таркиби ҳам булмайд. Жиноят таркиби йук экан ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахс ҳам жиноий жавобгарликка тортилмайди. Бундай ҳолларда қилмишни жиноийлигини истисно этувчи ҳолатлар юз берган булади. Одам улдириш жиноятига нисбатан қилмишни жиноийлигини истисно этадиган ҳолатларга: зарурий мудофаа (Уз.Р.ЖК 37м) еки оҳирги зарурат (Уз.Р.ЖК 38м) ҳолатида; ижтимоий хавфли жиноят содир этган шахсни ушлаш (Уз.Р.ЖК 39м) ехуд буйруқни еки бошқа тарздаги вазифани бажариш (Уз.Р.ЖК 40м)чоғида одам улдириш жиноятлари қиради.

Қасддан одам улдириш жиноятини объектив томонининг аломати сифатида жиноятнинг содир этиш усулини белгилаш, мазкур жиноятни квалификация қилишда муҳим аҳамиятга эга. Жиноятни содир этиш усули уни қандай содир этилганлиги, унинг тартиби, услубини курсатади. Жиноятни содир этиш усули қонунда муайян жиноятнинг зарурий ёки таснифий белгиси сифатида курсатилиши мумкин. Хусусан, қасддан одам улдириш жиноятини қуйидаги усулда содир этиш, жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатда содир этилган ҳисобланади: а) бошқа шахсларнинг ҳаёти учун хавфли булган усулда; б) ута шафқатсизлик билан одам улдириш. Жиноят содир этиш усулини нотугри аниқлаш, муайян жиноятнинг зарурий ёки таснифий белгиси булса, ҳукми узгартириш учун асос булади.

Қасддан одам улдириш жинояти ҳаракатсизлик йули билан ҳам содир этилиши мумкин. Бунда айбдор шахс жабирланувчи ҳақида гамҳурлик қилиш мажбурияти булгани ҳолда, уз мажбуриятини бажармайди еки жабирланувчини улимни келиб чиқишини бартараф эта оладиган аниқ ҳаракатларни қилиши мумкин ва лозим булган ҳолларда уларни амалга оширмайди. Шу уринда айтиб утиш жоизки, ҳаракатсизлик учун жиноий жавобгарликка, келиб чиқадиган улимни бартараф эта оладиган ҳаракатларни бажариш мажбурияти юклатилган, муаян доирадага шахсларгина тортилиши мумкин.

³ Ж.Авҳиа Кур. адабиёт.40-бет.

⁴ М.Х.Рустамбаев. Кур. адабиёт. 17-бет.

Айбдорнинг улимни бартараф эта оладиган ҳаракатларини амалга ошириш мажбурияти: конундан; айбдорнинг хизмат мавкеи еки касбий мажбуриятлари(куткарув хизмати ходимлари, шифокорлар)дан; жабирланувчига булган шахсий муносабатлари(ота-оналар, эр-хотинлар, фарзандлар)дан; шартнома буйича мажбуриятлар(энагалик, касалга караб туриш учун таклиф килинган)дан; жабирланувчини ҳаёт учун хавфли аҳволга куйган ва уни кутқариш учун қурилиши мумкин ва лозим булган чораларни қурмаган айбдорнинг аввалги фаолиятдан келиб чиқиши мумкин.⁵

Демак, касддан одам улдириш ҳаракатсизлик йули билан содир этилганда айбдор уз вазифасини еки жабирланувчини саклаб қолиш учун бажариш имкони булган ҳаракатларни амалга оширмайди.

Касддан одам улдириш моддий таркибли жинойт булганлиги учун ҳам уни тугалланган деб топиш учун, муаян ижтимоий хавфли оқибат яъни, жабирланувчининг улими юз бериши лозим булади. Ижтимоий хавфли оқибат дейилганда, ижтимоий хавли ҳаракат еки ҳаракатсизлик билан тажовуз объектига – жинойт қонуни билан қурикланадиган ижтимоий муносабатларга етказилган зарар тушунилади.

Маълумки, касддан одам улдириш жинойтини содир этишда жабирланувчининг улимидан ташқари, жабирланувчининг яқинларига маънавий (баъзида моддий. Масалан: агар жабирланувчи ягона боқувчи булса) зарар ҳам етказилади. Бирок жинойт таркибига қирувчи оқибатлар қаторига факатгина тажовуз объектига етказилган зарар қиради, биз қуриб чиқаетган жинойтда эса жабирланувчининг улими қиради. Қолган зарарли оқибатлар эса жинойт таркибининг ташқарисида қолади.

Касддан одам улдириш жинойтини содир этишдан қузланган мақсад⁶- жабирланувчи улимнинг юз бермаслиги, субъектни мазқур жинойтни содир этганлик учун жинойт жавобгарликка тортишдан озод этади. Бирок, бундай ҳолларда касддан одам улдиришга тайергарлик қуриш ҳаракатлари еки унга суикасд қилиш аломатлари аниқланса, жинойт субъекти касддан одам улдиришга тайергарлик қуриш е суикасд қилганлик (Уз.Р.ЖКнинг 25-моддасига ҳавола этиб, 97-моддаси) учун жавобгарликка тортилади.

Ҳаракат (ҳаракатсизлик) билан ижтимоий хавфли оқибат уртасидаги сабабий боғланиш - жинойтнинг объектив томонини таърифловчи аломатларидан бири булиб ҳисобланади.

Айбдор шахсни тамом булган одам улдириш жинойти учун жавобгарликка тортиш учун, айбдорнинг жинойт ҳаракатлари билан келиб чиққан улим уртасидаги сабабий боғланишни аниқлаш лозим.⁷ Акс ҳолда, яъни айбдорнинг жинойт ҳаракатлари билан келиб чиққан улим уртасида сабабий боғланиш мавжуд булмаса, субъектни жинойт жавобгарликка тортиш тугрисида гап ҳам булиши мумкин эмас.

Қупчилик ҳолларда шахснинг ҳаракатлари билан келиб чиққан оқибат уртасидаги сабабий боғланишни аниқлаш қийинчилик тугдирмайди, чунки у яққол қуришиб туради. Масалан: уқотар қуруллардан отиш йули билан одам улдириш еки инсонни организмнинг ҳаёт учун муҳим булган марказини пичок билан яралаш орқали вхкзлар. Баъзи ҳолларда эса сабабий боғланишни аниқлаш иш ҳолатларини муқаммал анализ қилинишини талаб этади.

Одам улдириш жинойт ишлари буйича сабабий боғланишни аниқлашда, қуйидагиларни назарда тутиш муҳимдир:

⁵ М.К.Аниязнц. Қур адабиет. 21-бет.; Ж.Авҳиа. Қур. адабиет.41-бет.

⁶ Ж.Авҳиа Қур. адабиет.43-бет. /Шаргородский М.Д.Вина и наказание в советском уголовном праве. М.,1945,с.17/Советское уголовное право. Часть Общая. М.,Госюриздат,1962,с.187.

⁷ М.Х.Рустамбаев. Қур. адабиет. 16-бет.

1. Сабабий боғланиш нафакат жинойтчининг бевосита тана харакатлари билан келиб чиккан улим уртасидаги, балки котил томонидан узга инсоннинг улимни келтириб чикариш учун фойдаланилган турли хил механизмлар, табиатнинг стихияли кучлари, хайвонлар кабиларнинг харакатлари билан хам аникланади;

2. Субъектнинг харакатлари, факат жабирланувчини хаётдан махрум этишнинг зарурий шарти яъни, уларнинг мавжуд эмаслиги улимни келтириб чикармайдиган булса, улимнинг сабаби деб топилади;

3. Шахснинг жиной натижанинг зарурий шарти булган харакатлари, факат улар билан ташки жихатдан харакатлар билан боғлик булган тасодифий мавжуд холатлар окибати эмас, балки окибат мазкур харакатларнинг зарурияти туфайли келиб чиккан холдагина улимнинг сабаби деб хисобланиши мумкин.⁸

Хукукий адабиетларда харакатсизлик билан зарарли окибат уртасидаги сабабий боғланишнинг мавжудлиги масаласи хам еритилиб утилган. Бирок баъзи муаллифлар харакатсизлик йули билан содир этилган жинойтларда сабабий боғланиш мавжудлигини инкор этадилар. «Харакатсизликда сабабий боғланиш булмади, - деб езган эди М.Д.Шаргородский. – Уй узидан узи ениб кетмаганидек, улим хам харакатсизликдан келиб чикиши мумкин эмас»⁹.

Ижтимоий хавфли харакатсизлик юз берган жиной ходиса билан унинг бевосита сабаби булганлиги учун эмас, балки жинойтни содир этилишига имкон берувчи шароитни яратганлиги учун боғланади. Шу уринда шахснинг харакатсизлиги билан келиб чиккан зарарли окибатлар уртасида сабабий боғланишни аниклашда, агар айбдор тегишли харакатни амалга оширганида, жиной окибатнинг келиб чикишини бартараф этган булармиди? деган саволни хал этиш лозим. Узид мавжуд булган захарнинг зарарли таъсирини билган шахс уни шундай саклаши керакки, токи у овкат(озик-овкат махсулотлари)га тушиб колмасин. Узок муддат очликнинг зарарли эканини билган муаян шахслар, мустакил равишда овкатни ейиш имкониятидан махрум булган фукароларни овкатлантиришга мажбурдирлар, вхкзлар. Бу каби холларда шахснинг харакатсизлиги бошка инсоннинг улимни келтириб чикаради.

Касддан одам улдириш жинойтини содир этиш куроли, воситаси, вакти, жойи, вазияти кабилар мазкур жинойтни объектив томонининг факультатив белгилари булиб хисобланади. Уларни урганиш, жинойтнинг ижтимоий хавфлилик даражасини тулик бахолаш, шунингдек, жинойтни содир этилиш имконини берган объектив шарт-шароитларни аниклаш имконини беради.

Хаётга карши каратилган жинойтларда жабирланувчининг хаётига таъсир этиш шаклига кура субъектнинг харакатлари турлича булиши мумкин, бирок улар(харакатлар)нинг барчаси умумий зарарли окибат, яъни жабирланувчининг улими билан бирлашганлар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати:

1. Ж.Авхиа. Кур, 2. М.Х.Рустамбаев. Кур, 3. М.К.Аниязц. Кур, 4. Шаргородский М.Д.Вина и наказание в советском уголовном праве. М.,1945,с.17/Советское уголовное право. Часть Общая. М.,Госюриздат,1962,с.187., 5. Учебное пособие. Новое уголовное право России. Особенная часть. Москва., Зерцало ТЕИС 1996й.

⁸ Учебное пособие. Новое уголовное право России. Особенная часть. Москва., Зерцало ТЕИС 1996й.29-бет.

⁹ Ж.Авхиа Кур. адабиет.43-бет /Шаргородский М.Д.Преступление против жизни и здоровья.96-98.бет